



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2025 йил 11 октябрь, № 210 (9105)

Шанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-коддини телефонингиз орқали сканер қилинг.



МДҲ ДОИРАСИДАГИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҲАЁТИЙ ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 9-10 октябрь кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Давлатимиз раҳбари 10 октябрь куни Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон раислигида ўтган саммит ишида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Арманистон Бош вазири Никол Пашинян ҳамда МДҲ Бош қотиби Сергей Лебедев иштирок этди.

Кун тартибига мувофиқ, Ҳамдўст-

лик доирасидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари нутқининг аввалида глобал сиёсат ва иқтисодиётдаги олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган жараёнлар ҳамда халқаро институтларнинг роли заифлашиб бораётганига қарамасдан, МДҲ ўзининг барқарорлиги, самарадорлиги ва зарурлигини намойиш этишда давом этаётганини таъкидлади.

Ун йиллар давомида йўлга қўйилган механизмлар ва алоқалар тўғрисидаги иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар масалаларнинг барча йўналишларида яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда.

— Биз МДҲ доирасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, табиий шерикларимиз бўлган мам-

лакатлар билан амалий ҳамкорликнинг самарадорлигини оширишдан манфаатдормиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Сўнг мамлакатимиз етакчиси Ҳамдўстлик доирасидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Жаҳон иқтисодиётидаги вазиятнинг кескинлашиши, протекционизмнинг кучайиши ва барқарор ривожланиш йўлида янги хавф-хатарлар юзага келаётганини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий шериклики кенгайтириш ташкилотнинг сўзсиз устувор йўналиши экани кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистоннинг МДҲдаги шериклари билан товар айирбошлаш ҳажми ўтган йили 11 фоизга ошгани ва бу кўрсаткич жорий йилда ҳам ўсишда давом этаётгани мамнуният билан

қайд этилди. Бундай кўрсаткичлар тармоқлараро кооперация чуқурлашаётгани ва ўзаро инвестициялар оқими кўпайиб бораётгани тўғрисида.

Мавжуд имкониятларни янада тўлиқ ишга солиш, ҳамкорликнинг бугунги суръатини сақлаб қолиш мақсадида Ўзбекистон Президенти биргаликдаги саъй-ҳаракатларни қўйидаги устувор йўналишларга қаратишни таклиф этди.

Биринчидан, товар айирбошлашнинг кўпайтириш учун янада қулай шароитларни шакллантириш.

Алоҳида товарларни, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш жараёнида тартиб-таомил ва талабларни соддалаштириш ва миллий бозорларга кириш, жумладан, давлат харидларида иштирок этиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек МДҲ Иқтисодий кенгаши доирасида ташқи конъюнктура ўзгаришларига тезкор жавоб бериш ва савдо оқимлари йўналишини ўзгартириш бўйича механизмларни ишга тушириш, техник тўсиқлар ва мувофиқликни баҳолашга оид ҳужжатларни тан олиш тўғрисидаги битимлар лойиҳаларини келишиш бора-сидаги ишларни фаоллаштириш мақсада мувофиқ эканига эътибор қаратилди.

Иккинчидан, транспорт соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш.

МДҲ маконидаги транспорт тармоғида мавжуд йўлақлар самарадорлигини пасайтираётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича қўйидаги қайд этилди. Бу барча турдаги транспортлар билан интеграциялашган ахборот-логистика марказларини ташкил этишни тақозо этмоқда.

Юк ташиш инфратузилмасини модернизация қилиш учун хусусий инвестицияларни жалб қилиш муҳимлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда транспорт соҳасида давлат-хусусий шериклики кенгайтириш масалалари бўйича конференция ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

Учинчидан, ўзаро инвестициялар ўсишини рағбатлантириш ва

кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш.

Бу борада махсус иқтисодий ва саноат зоналарини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси»ни тайёрлаш, кооперацияни чуқурлаштириш ва бизнесни жалб қилган ҳолда инновацион стартапларни илгари суриш учун МДҲнинг Венчур платформасини яратиш, келгуси йилда Тошкентдаги «ИННОПРОМ» кўргазмаси негизида Инновацион саноат форумини ўтказиш таклиф қилинди.

Тўртинчидан, энергетика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш.

Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, бугунги кунда МДҲдаги шериклар билан аъёнавий ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, жумладан, атом электр станциялари қурилиши соҳасида қатор йирик стратегик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари МДҲ мамлакатларида энергетика секторини инновацион ривожлантириш бўйича узоқ муддатли дастур ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таклиф этди.

Бешинчидан, рақамлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик.

Давлатимиз раҳбари жорий йил август ойида Самарқандда ўтган «МДҲда сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш» мавзусидаги халқаро форум бу соҳадаги кооперация борасида ўзаро қизиқиш ва имкониятлар ортиб бораётганини кўрсатганини таъкидлади. Шу муносабат билан ушбу соҳада Амалий ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича кўп томонлама ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишни таклиф этди.

Давлатимиз раҳбари фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида қўшма лойиҳа ва дастурларни кенгайтириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратди.

— Мамлакатларимизда таълим сектори ва меҳнат бозори жадал ривожланаётганини ҳисобга олиб, Дипломлар, малака ва академик дастурларни ўзаро тан олиш тўғрисида янги давлатлараро келишувни тайёрлаш,

Профессional стандартлар ва малака талабларини уйғунлаштириш механизминини жорий этиш лозим, деб ҳисоблаймиз, — деди Президент.

Келгуси йилда кун тартибига инновацион экотизимларни шакллантириш, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш учун Ёшлар лабораториясини яратиш масаласини киритган ҳолда, МДҲ Ёшлар форумини Хивада ўтказишга тайёрлик билдирилди.

Минтақавий хавфсизлик масалаларига тўхталар экан, Президентимиз ташқи сиёсий идоралар ҳамда махсус хизматлар ўртасидаги тизимли ва яқин алоқаларни давом эттириш муҳимлигига эътибор қаратди. Афғонистондаги вазият алоҳида эътиборни талаб қилади.

— Ўзбекистон Афғонистонда узоқ муддатли тинчлик, осойишталик ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг қатъий тарафдори эканини таъкидлайман. Шу муносабат билан ушбу мамлакатда йирик инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда биргаликда иштирок этиш имкониятларини кўриб чиқишни таклиф этамиз, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Сўзининг якунида Шавкат Мирзиёев Сергей Лебедевнинг МДҲ Бош қотиби лавозимига қайта тайинланишини қўллаб-қувватлади ҳамда Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовга ташкилотга раислиқни қабул қилиб олгани муносабати билан муваффақиятлар тилади.

Йиғилишда Ҳамдўстликка аъзо бошқа мамлакатлар делегациялари раҳбарлари ҳам сўзга чиқди.

Саммит якунида МДҲ доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича келишув ва қарорлар тўплами имзоланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга амалий ташрифи якунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли ҳамкасблар!

Аъёнавий илқ қабул ва бугунги саммитимизни ажойиб тарзда ташкил этгани учун Тожикистон Республикаси Президенти, ҳурматли Эмомали Шарипович Раҳмон шаънига билдирилган самимий миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Тожикистоннинг МДҲга самарали раислигини, бу даврда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама шериклик янги суръат билан ривожлана бошлаганини алоҳида қайд этишни истар эдим.

Глобал сиёсат ва иқтисодиётда мураккаб, олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган жараёнлар кечаётган шароитда, халқаро институтларнинг роли заифлашиб бораётган бир вазиятда МДҲ ўзининг барқарорлиги, самарадорлиги ва зарурий тузилма эканини намойиш қилишда давом этаётганини таъкидламоқчиман.

Ун йиллар давомида яратилган механизмлар ва йўлга қўйилган мулоқотлар тўғрисида иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар масалаларга оид барча жабҳалар бўйича яқин ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Биз МДҲ доирасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, табиий шерикларимиз бўлган мамлакатлар билан амалий ҳамкорликнинг самарадорлигини оширишдан манфаатдормиз. Шу муносабат билан Ўзбекистон кўп томонлама муносабатларни чуқурлаштириш бўйича билдирилган баҳо ва таклифларни қўллаб-қувватлайди.

Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий шерикликни кенгайтириш биз учун, ҳеч шубҳасиз, устувор йўналишидир. Жаҳон иқтисодиётида вазият ёмонлашиб, протекционизм кучайиб бораётгани, барқарор тараққиётга янги таҳдидлар пайдо бўлаётганини ҳисобга олганда, бу алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир.

Таъкидлаш зарурки, ўтган йили Ўзбекис-

тоннинг МДҲдаги шериклари билан савдо айланмаси ҳажми 11 фоизга ўсди. Ўзаро савдода ўсиш ҳажми жорий йилда ҳам таъминланмоқда.

Бундай кўрсаткичлар тармоқлараро кооперацияни чуқурлаштириш ва мамлакатларимиз ўртасидаги инвестиция оқимларининг кўпайиши билан бевосита боғлиқдир. Жадал ҳамкорлигимиз суръатларини сақлаб қолиш мақсадида мавжуд ресурсларни янада тўлиқ ишга солиш ҳал қилувчи масала, деб ҳисоблаймиз.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизни қўйидаги устувор масалаларга йўналтиришни таклиф этамиз.

Биринчидан, савдо айланмасини кучайтириш учун янада қулай шарт-шароитларни шакллантириш.

Бу ўринда сўз алоҳида товарларни, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш жараёнида тартиб-таомил ва талабларни соддалаштириш ва миллий бозорларга кириш, жумладан, давлат харидларида иштирок этиш ҳақида бормоқда.

Мамлакатларимиз бозорларини ўзаро мос ҳолда кенгайтириш муҳимдир. Шу муносабат билан МДҲ Иқтисодий кенгаши доирасида ташқи конъюнктура ўзгаришларига тезкор жавоб бериш ва савдо оқимлари йўналишини ўзгартириш бўйича механизмларни ишга тушириш мақсада мувофиқ.

Шунингдек, техник тўсиқлар ва мувофиқликни баҳолашга оид ҳужжатларни тан олиш тўғрисидаги битимлар лойиҳаларини келишиш борасидаги ишларни фаоллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, транспорт соҳасида ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишни истар эдим.

Афсуски, МДҲ маконида транспорт тармоғида амалдаги йўлақларнинг ўтказиш сама-

радорлигини пасайтирадиган муаммолар ҳолатлар ҳамон сақланиб қолмоқда.

Барча транспорт турлари билан интеграциялашган ахборот-логистика марказларини яратишни замоннинг ўзи талаб этмоқда, деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, юк ташиш инфратузилмасини модернизация қилиш учун хусусий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш муҳимдир. Шу муносабат билан транспорт соҳасида давлат-хусусий шериклик масалалари бўйича МДҲ мамлакатлари конференциясини Ўзбекистонда ўтказишни режалаштирмоқдамиз.

Учинчидан, ўзаро инвестицияларнинг ўсишини рағбатлантириш ва кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш.

Ҳамкорлик бўйича тўпланган ижобий тажрибани ҳисобга олиб, мамлакатларимизда махсус иқтисодий ва саноат зоналари фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга оид «Йўл харитаси»ни тайёрлашни таклиф этаман.

Бизнесни жалб этган ҳолда кооперацияни чуқурлаштириш ва инновацион стартапларни илгари суриш МДҲнинг Венчур платформасини яратишга хизмат қилади.

Келгуси йили Тошкент «ИННОПРОМ» кўргазмаси доирасида мамлакатларимиз ҳудудлари ва етакчи компанияларининг кенг иштирокида МДҲ инновацион саноат форумини ўтказишга тайёрмиз.

Агар ҳамкасбларимиз маъқуллашса, МДҲ Иқтисодий кенгашига қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббусларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишга кўрсатма беришни таклиф этаман.

Тўртинчидан, энергетика соҳасидаги ҳамкорлик муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда МДҲдаги шерикларимиз би-

лан аъёнавий ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, жумладан, атом электр станциялари қурилиши соҳасида қатор йирик стратегик лойиҳаларни амалга оширяпмиз.

Биз МДҲ мамлакатларида энергетика секторини инновацион ривожлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тарафдоримиз.

Бешинчидан, рақамлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик алоҳида эътиборга моликдир. Жорий йилнинг август ойида Самарқандда ташкил этилган «МДҲда сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш» мавзусидаги халқаро форум кооперация борасида ўзаро қизиқиш ва имкониятлар ўсиб бораётганини кўрсатди.

МДҲ бўйича шерикларимизнинг бу соҳадаги фаол саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз ва Амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича кўп томонлама режа ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Биз илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳасида қўшма дастурларни кенгайтиришдан манфаатдормиз.

Мамлакатларимизда таълим сектори ва меҳнат бозори жадал ривожланаётганини ҳисобга олиб, Дипломлар, малака ва академик дастурларни ўзаро тан олиш тўғрисида янги давлатлараро келишувни тайёрлаш, Профессional стандартлар ва малака талабларини уйғунлаштириш механизминини жорий этиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Кун тартибига инновацион экотизимларни шакллантириш, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш учун Ёшлар лабораториясини яратиш масаласини киритган ҳолда, МДҲ Ёшлар форумини Хивада қабул қилишга тайёрмиз.

Ҳурматли саммит иштирокчилари! Бугун мамлакатларимизнинг хавфсизлиги

ва барқарорлигига нисбатан умумий хавф-хатар ва таҳдидлар ҳақида кўп айтилди.

Ташқи сиёсат идоралари ва махсус хизматлар йўналишлари бўйича тизимли ва яқин алоқаларни давом эттириш муҳимдир. Бу ўринда сўз ҳамкорликни мувофиқлаштириш, ахборот алмашиш ва қўшма тадбирларни ўтказиш ҳақида бормоқда.

Ҳамдўстликнинг жанубий чегаралари ҳақида сўз риторик эканмиз, Афғонистонда сақланиб қолаётган мураккаб вазиятни унутмаслигимиз керак. Ушбу мамлакатда иқтисодий ва ижтимоий инқироз чуқурлашиб бораётганини ҳисобга олсак, унинг ҳудудидан бўладиган хавф-хатар ва таҳдидлар сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Афғонистонда узоқ муддатли тинчлик, осойишталик ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг қатъий тарафдори эканини таъкидлайман.

Шу муносабат билан ушбу мамлакатда йирик инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда биргаликда иштирок этиш имкониятларини кўриб чиқишни таклиф этамиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Биз ҳурматли Сергей Николаевич Лебедевини Ҳамдўстлик Бош қотиби лавозимига қайта тайинланишини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Сўзимнинг якунида Туркменистон Президенти, ҳурматли Сердар Турбангулиев Бердимухамедовга МДҲда раислиқни қабул қилиб олгани муносабати билан муваффақиятлар тилайман.

Ишончим комил, ушбу учрашув ва қабул қилинаётган қарорлар ўзаро манфаатли кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришга имкон яратади, халқларимиз ва мамлакатларимизнинг раванкли ва фаровонлиги йўлидаги умумий мақсадлар ва вазибаларимизга эришишга хизмат қилади.

ЕВРООСИЁ КЕЛАЖАГИ КЎП ЖИҲАТДАН ЎЗБЕКИСТОН КАБИ БАРҚАРОРЛИК МАРКАЗЛАРИГА БОҒЛИҚ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 9-10 октябрь кунлари Тожикистонда амалий ташриф билан бўлиб, Душанбе шаҳрида ўтган МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ва “Марказий Осиё — Россия” иккинчи саммитида иштирок этди.

Бу муҳим воқеалар аҳамиятли бўлиб, минтакавий жараёнларнинг янги стратегик динамикасини ўзида акс эттирди. Таҳлилчиларнинг фикрича, ушбу тadbирлар расмий Тошкентнинг минтақа давлатлари ўртасида ишонч ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамловчи ташаббуслар ҳамда мулоқотлар маркази сифатидаги роли ортганини кўрсатди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган таклиф ва ташаббуслар ҳамкорлар томонидан қўллаб-қувватланиб, Ўзбекистон яхши кўшничилик, очкиклик ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларига содиқлигини яна бир бор тасдиқлади.

Дунё нигоҳи

Карлос Уриарте САНЧЕС, Панъевропа иттифоқи президенти (Испания):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий Осиё — Россия” иккинчи саммитидаги нутқи, айниқса, минтақа мамлакатлари ва Россия ўртасидаги шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуси ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик, барча томонлар учун амалий манфаатлар тамойилларига асосланган халқаро муносабатларни ривожлантиришга замонавий ёндашувни ўзида акс эттиргани алоҳида эътиборга молик.

Ўзбекистон етакчиси минтақада тизимли сиёсий мулоқот ва иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш муҳимлигини изчил таъкидлаб келади. Унинг Мувофиқлаштирувчи кенгаш таъсис этиш, Саноат инжиниринг хабини ташкил қилиш, Атом энергетикаси бўйича Минтакавий компетенциялар марказини тузиш, “Марказий Осиё — Россия энергетик шериклиги” дастури марказини очиб бўйича таклифлари узок муддатли барқарор ривожланишга қаратилган аниқ ва пухта ўйланган чора-тадбирлардир.

Давлат раҳбарининг инновациялар, таълим, инсон капиталига қаратаётган алоҳида эътибори юксак таҳсинга сазовор. “Келажак муҳандислари” илмий-таълим консорциуми ва ёш тадқиқотчилар учун Грант дастурини ташкил этиш гоёси минтақадаги ёшлар ва илм-фан учун янги уфқларни очди. Булар шунчаки ташаббуслар эмас, балки Марказий Осиёнинг интеллектуал ва технология салохиятини шакллантирадиган келажакка стратегик сармоядир.

Президент Шавкат Мирзиёев минтакавий ҳамкорликни нафақат иқтисодий мақсадга мувофиқ, балки ишонч, маданий ўзаро тушуниш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўли сифатида кўриб, прагматизм ва инсонпарварликнинг ўзига хос синтезини намойиш қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.



Ҳикмет ЭРЕН, Евроосиё иқтисодий алоқалар жамғармаси — «ЕкоАвгаса» раҳбари (Туркия):

— Бу учрашувлар Марказий Осиё босқичма-босқич сиёсий ирода, иқтисодий ташаббус ва ўзаро ишонч марказига — минтакавий ҳамкорлиқнинг янги мантиси шаклланаётган маконга айланиб бораётганини яна бир бор намойиш этди.

Президент Шавкат Мирзиёев “Марказий Осиё — Россия” иккинчи саммитида стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, минтакавий барқарорликни биргаликда таъминлашга қаратилган кенг қўлмали ташаббусларни илгари сурди.

Шу билан бирга, умумий қарорлар ижросини жадаллаштириш ва гоёларни амалий лойиҳаларга айлантириш учун ҳукумат раҳбарлари ўринбосарлари даражасида Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш таклиф қилинди. “Марказий Осиё — Россия агроэкспресс” тўғридан-тўғри логистика йўлагини йўлга қўйиш ташаббуси алоҳида эътиборга молик бўлди. Бу нафақат ўзаро савдони ошириш, балки минтақадаги фермер ва ишлаб чиқарувчилар учун янги бозорларни ҳам очиб имконини беради.

Ўзбекистон етакчиси Бухорода илм-фан, бизнес ва инновациялар учрашадиган ноёб технологик кўприк бўлган Саноат инжиниринг хабини яратиш гоёсига алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари ва Россия университетлари ҳамда ёш тадқиқотчилар салоҳиятини бирлаштирган “Келажак муҳандислари” консорциумини ташкил этишни таклиф қилди.

Бу ташаббуслар расмий баёнотлардан анча узок, Улар ҳамкорликнинг жонли архитектурасини яратмоқда, бунда ҳар бир элемент — транспорт, энергетика, рақамли технологиялар ёки киберхавфсизлик бир-бирини тўлдиради ва минтақа келажаги ҳақида ахлит тасаввур ҳосил қилади.

Президент Шавкат Мирзиёев минтақадаги жараёнларга янги суръат қиритишга муваффақ бўлди. Унинг Нью-Йорк-



даги БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида илк бор тақдим этган “Янги Марказий Осиё” концепцияси минтакавий ҳамкорликка замонавий ёндашувнинг асосига айланди. Бу шунчаки ташқи сиёсат гоёси эмас, балки яхши кўшничилик, очкиклик ва барча шериклар манфаатларини ҳурмат қилишга асосланган реал стратегиядир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи Ўзбекистоннинг ҳам-дўстлик ишларидаги конструктив ва фаол иштирокига содиқлигини яна бир бор тасдиқлади. Давлатингиз раҳбарининг ушбу мажбурият ўз ифодасини топган сиёсати умумий вазибаларни ҳал этиш учун ҳамкорлиқнинг янги, инновацион, ўзаро манфаатли шакллари излашга асосланган. Бу Тошкентнинг МДХ форматида шунчаки қатнашиш эмас, балки янги гоёларни кўйиш, мулоқотни жонлантириш ва уни реал ташаббуслар билан сингдиришга интилишидан далолат беради.

Тазин АХТАР, «Pakistan in the World» газетаси муҳаррири (Покистон):

— Марказий Осиёдаги воқеаларни кузатиб бораётган эксперт сифатида Ўзбекистон Президентининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган саммитларда иштирокини Тошкентнинг фаол, муво-занатли ва конструктив ташқи сиёсатининг яна бир тасдиғи, деб биламан.

Ўзбекистон сўнгги йилларда минтақа давлатлари ўртасида ишончни мустаҳкамлаш, транспорт алоқаларини ривожлантириш ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган аниқ ташаббусларни илгари сурган минтакавий ҳамкорлиқнинг асосий марказига айланди.

Ўзбекистон раҳбариятининг транспорт интеграцияси ва барқарор таъминот занжирларини ривожлантиришга эътибор қаратаётгани алоҳида аҳамиятга эга. Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон темир йўлининг кенг қўлмали лойиҳасини амалга ошириш Марказий ва Жанубий Осиёни ягона ҳамкорлик ҳамда тараққиёт маконига бирлаштиришга қодир бўлган нафақат иқтисодий, балки стратегик қадамга айланмоқда. Ушбу лойиҳа Покистоннинг савдо, энергетика ва гуманитар алмашинувлар учун хавфсиз ҳамда самарали йўналишларни яратиш устуворликларига тўлиқ мос келади.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, Ўзбекистон минтакавий ҳамкорлиқнинг гуманитар ва маданий йўналишларини изчил илгари сурмоқда. Муштарак тарихий илдизларга, ўзаро ҳурмат ва таъриба алмаштишга ургу қаратиш Тошкент дипломатиясига инсоний ўлчов беради, бу глобал нотинчлик кучайган ҳозирги шароитда айниқса, муҳимдир.

Покистон нуктаи назаридан Ўзбекистон Президентининг сиёсати ўзаро англашувни мустаҳкамлаш, манфаатли алоқаларни ривожлантириш, Евроосиёда барқарор тинчлик ва



ҳамкорлик архитектурасини яратишга қаратилган. Бу ёндашувлар Исломобод ташқи сиёсатининг устувор йўналишларига ҳам мос келади.

Бакит БАКЕТАЕВ, сиёсатшунос (Қирғизистон):

— География ва институционал хусусиятлардаги фарқларга қарамай, 9-10 октябрь кунлари Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Россия” иккинчи саммити ва МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси бугунги глобал муаммолар даврида минтакавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича умумий мақсадни мужассамлаштиради.

“Марказий Осиё — Россия” саммитида хавфсизлик, транспорт, логистика, энергетика ва гуманитар ҳамкорликка оид кенг қўлмали масалалар муҳокама қилинди. Афғонистон ва Яқин Шарқдаги вазият, глобал жараёнларнинг минтақага босими ортиб бориши билан бирга, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларидан аниқ, келишилган жавоб чораларини талаб этади. Шу нуктаи назардан, Тошкентнинг аъёна-вий тарзда тинчлик, прагматизм ва очкиклик қаратилган позицияси барқарорлаштирувчи роль ўйнайди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг шахсий иштироки ва сиёсий кўмаги билан ўнлаб йиллар давомида муҳокама босқичида қолиб кетган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳаси қайта фаоллаштирилганини эслашнинг ўзи кифоя. Бугунги кунда лойиҳа амалий босқичга кирди ва бу Ўзбекистон раҳбарининг дипломатик мослашувчанлиги ҳамда қатъияти туфайли амалга ошди.

Яна бир ёрқин мисол, яқинда Қирғизистон ва Қозоғистон ҳамкорлигида бажарилаётган йирик энергетика лойиҳаси бўлган “Қамбарота-1” ГЭСи қурилишининг бошланиши. Сув ва энергетика масалалари бўйича келишмовчиликлар тез-тез учраб турадиган минтақада бундай кенг қўлмали лойиҳа йўлга қўйилишининг ўзи мамлакатлар ўртасидаги ишонч ва ўзаро тушуниш кучайиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ўзаро манфаатлилик, суверенитетни ҳурмат қилиш, натижада эътибор қаратишга асосланган ташқи сиёсат моделини намойиш этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу, айниқса, дунё тобора кескин қарама-қаршилик майдонига айланиб бораётган, минтақа давлатлари Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасидаги манфаатлар мувозанатини сақлашга интилаётган бир даврда муҳимдир.

Душанбедаги учрашувлар ҳам бундан мустасно бўлмади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг иштироки саммитга қўшимча суръат бағишлади, амалий ҳамкорликка эътиборни кучайтирди. Яқуний келишувлар эса янги геосиёсий шароитда МДХ ва Марказий Осиё давлатларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилган.

«Дунё» АА.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАТЪИЙ ПОЗИЦИЯСИ

БМТ самарадорлиги ва нуфузини амалда кўтаришга қаратилган



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўтган 80 йил давомида халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, барқарор тараққиётни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш йўлида беҳисоб ишларни амалга оширди. Бугун ҳам ушбу тузилма миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва инсонпарварлик гоёларининг рамзига айланган.

Нуктаи назар

Яқинда БМТнинг юбилей сессиясида мамлакатимиз Президенти бугунги дунё манзарасига ҳаққоний баҳо берди. Таъкидланганидек, инсоният ҳозир шиддат билан ўзгараётган, мураккаб ва зиддиятларга тўла глобал давр остонасида турибди. Янги, хавотирли геосиёсий воқелик шаклланмоқда. Халқаро институтлар таъсири ҳамда нуфузи сўнмоқда, дунёда қарама-қаршиликлар, низо ва қуроли тўқнашувлар сони ортиб бормоқда. Шу билан бирга, технологик ва ижтимоий тенгсизлик тобора кучаймоқда, иқтисодий ҳамда гуманитар инқироз кўлами кенгаймоқда. Давлатимиз раҳбари юксак минбарда туриб, жаҳон ҳамжамиятини ҳамжиҳатлик ва масъулиятга чорлар экан, тинчлик ҳамда барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида ягона ҳаракат зарурлигини яна бир бор эслатди.

Бугун халқаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш зарур. Айни шу мақсадда Юртбошимиз БМТ фаолияти ва келажагига янгича ёндашувни илгари суриб, ташкилотни глобал мулоқотнинг асосий платформаси сифатида

сақлаб қолишга қаратилган “БМТ-80” ташаббуси, Келажак ҳаракати юксак қатъий содиқлик, саъй-ҳаракатини юксак баҳолаб, дунё хавфсизлигининг асосий таянчи ҳисобланган Хавфсизлик Кенгашини трансформация қилиш ва унинг таркибини кенгайтириш таклифини илгари сурди. Бу ташаббус, аввало, замонавий хавф-хатарларга қарши самарали курашиш ҳамда ривожланаётган мамлакатлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг қатъий позицияси шундан иборатки, ҳар қандай ислохот ёки ташаббус, энг аввало, БМТнинг самарадорлиги ва нуфузини амалда кўтаришга қаратилмоғи лозим. Бундан чиқариладиган ҳулоса шуки, дунё бугун адолатга муҳтож. Глобал адолатни таъминлаш керак бўлган халқаро институтлар, афсуски, кўп ҳолларда берафқлик ҳамда таъсирсизлик домида қолмоқда. Ҳолбуки, инсониятнинг тинчлиги, озодлиги ва тараққиётининг асосий мезони — адолатдир. Сайёраимизда ҳақиқий барқарорликни таъминлаш

учун умид ҳамда ишонч уйғотувчи, дунёвий адолат тизимига эҳтиёж бор.

Ўзгараётган дунёнинг янги муаммолари

БМТ глобал тинчликнинг таъминловчиси сифатида ташкил этилгандан бери халқаро муносабатларнинг мураккаб оламида муҳим роль ўйнаб келаётир. Бироқ вақт ўтиши билан дунё ўзгарди, янги муаммолар пайдо бўлди. Шу сабабли, БМТни ислох қилиш ҳақиқатлари тобора кучайиб бормоқда. Ўзбекистон ҳам бу жараённинг тарафдори экани бежиз эмас.

Биринчидан, глобал сиёсат ўзгарди. БМТ 1945 йилда, Иккинчи жаҳон урушидан кейин ташкил этилган. Уша даврдаги геосиёсий вазият ҳозиргидан тубдан фарқ қиларди. Дунё икки қутб-ли эди, колониал империялар мавжуд эди. Ҳозир эса дунё кўп қутбли, янги иқтисодий ва сиёсий марказлар пайдо бўлди. БМТнинг тузилмаси эса ҳамон ўша давр талабларига жавоб берадигандек.

Иккинчидан, Хавфсизлик Кенгаши номуносиб. БМТ ХКнинг доимий аъзолари — АҚШ, Россия, Хитой, Франция ва Буюк Британия вето ҳуқуқига эга. Бу уларга исталган қарорни блок-лаш имконини беради. Кўпчилик давлатлар буни адолатсизлик, деб ҳисоблайди. Чунки бу бешта давлат дунё аҳолисининг катта қисмини ёки глобал иқтисодиётнинг асосий қисмини ифода этмайди. Бундан ташқари, Африка, Лотин Америкаси каби минтақалардан ХКда доимий вакиллар йўқ.

Учинчидан, иқлим ўзгариши, пандемиялар, киберхавфсизлик, террорчилик каби янги глобал муаммолар пайдо бўлиб, БМТнинг эски тузилмасига катта босим ўтказмоқда. Яъни халқаро тартиб қўллаб муаммолар билан юзма-юз келмоқда.

Хуллас, дунё сиёсатидаги мураккаб вазият давом этапти. Ер юзининг катта қисмида уруш ҳамда адолатсизликлар ҳукм сураётир. Катта сиёсий марказлар ўз миллий манфаатларига алоқаси бўлмаган масалаларга эътибор қаратмаяпти. Фуқаролик урушларида минглаб кишилар ҳаётдан кўз юмаётгани ҳеч кимга сир эмас. Террор бутун дунёга хавф соладиган даражага етди. Дунё улкан миграция тўлқини билан дуч келмоқда. Бугун

дунёда 260 миллионга яқин қочоқлар, Ўз юртидан айрилган 80 миллиондан ортиқ кишилар ва 25 миллионга яқин муҳожирлар мавжуд. Бу рақам иқтисодий воситалар билан биргаликда очарчилик, қурғоқчилик, ички урушлар, террор ҳужумлари ва сиёсий мавҳумликлар каби сабаблар туфайли кундан-кунга ортиб бораётгани ачинарли. Инсонлар фақат яхши иш, янада яхши ҳаёт стандарти учун эмас, тирик қолиш, қоринларини тўйдириш, фарзандларига бир тишлам нон топиш илинжида кўчиб кетишга мажбур. Афсуски, бу илинж сафари баъзан ўлим билан якун толяпти.

Тўртинчидан, ривожланаётган мамлакатларнинг роли ва таъсири глобал сиёсатда ортиб бормоқда. Улар БМТда Ўзларининг манфаатлари ва нуктаи назарлари етарлича ифода этилмаётганидан норози. Улар БМТнинг қарор қабул қилиш жараёнларида кўпроқ иштирок этишни хошлашади.

Бешинчидан, БМТ низомида у “Асосий мақсади адолат ва хавфсизлик, иқтисодий тараққиёт ва ижтимоий тенгликни барча мамлакатларда жорий қилишни таъминлашдан иборат” бўлган ташкилот сифатида тавсифланишига қарамай, буни амалга оширишда қорасиз қолмоқда.

Тузилмага кенгрок ваколатлар берилиши лозим

Ўзбекистон фикрича, БМТнинг глобал тинчликка, барқарорликка ҳисса қўшадиган, янада фаол, шаффоф, тезкор ваколат, қобилияти юксак ва ҳисоб бера оладиган тузилмага айланиши учун БМТ Бош қотибига янада кенгрок ваколатлар берилиши лозим. Қўллаб-қўллашувлар ҳукм сураётган ҳозирги даврда беш доимий аъзо давлатдан бири тасдиқламаган ҳар қандай қарор Хавфсизлик Кенгашидан мулқат ўтмайди. Бу ҳолат инқирозлар ечимини кечиктирмоқда, янада кўп фожиаларнинг рўй беришига олиб келмоқда. Исроил — Фаластин ёки Украина — Россия можароси бўйича овозга қўйилаётган резолюцияларнинг у ёки бу доимий аъзолардан бири-нинг вето ҳуқуқидан фойдаланиб блокланаётгани фикримизнинг яққол исботидир.

Қитъа миқёсида олганда, Хавфсиз-



Тараққиётни таъминлаш йўлидаги ишончли қадамлар

Яна бир нарсани ёддан чиқармаслик керак. Қанчалар танқид қилинмасин, Ўзбекистон БМТга ўзининг ислохотларини амалга ошириш, муаммоларини ечишда муҳим тузилма сифатида қарайди.

БМТнинг Тараққиёт дастури, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар Ўзбекистонга иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш ҳамда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш учун техник ёрдам ва инвестициялар жалб этишда кўмаклашмоқда.

Ўзбекистон БМТнинг 2030 йилгача бўлган кун тартиби доирасидаги Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)га эришишга содиқдир. БРМга эришишга қаратилган лойиҳалар иқтисодий ўсишни таъминлаш, камбағалликни қайтариш ҳамда ижтимоий тенгликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. БМТнинг савдон ривожлантириш бўйича дастурлари Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига интеграциялашувини қўллаб-қувватлайди, экспорт салоҳиятини оширишга ёрдам беради.

БМТнинг Соғлиқни сақлаш ташкилоти Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш ҳамда даволаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш соҳаларида катта ёрдам кўрсатади. ЮНЕСКО Ўзбекистонда таълим сифатини ошириш, илм-фани ривожлантириш, маданий меросни сақлаш ҳамда тарғиб қилиш бўйича лойиҳаларни амалга оширмоқда. БМТнинг қочқинлар бўйича Олий комиссари бошқармаси Ўзбекистонда қочқинлар ва бошлана изловчиларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди.

БМТни ислох қилиш ҳақиқатларининг кучайиши глобал сиёсатнинг ўзгариши, ХКнинг номуносиблиги, янги глобал муаммолар, ривожланаётган мамлакатларнинг овози ҳамда БМТнинг самарасизлиги каби омиллар билан боғлиқ. Ўзбекистон каби давлатларнинг бу жараёни қўллаб-қувватлаши БМТнинг келажаги ва дунёдаги роли учун муҳим аҳамиятга эга.

Умуман, БМТ билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ривожланишни тезлаштириш ҳамда ижтимоий соҳада ислохотларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳамкорлик мамлакатнинг халқаро нуфузини кўтарди ҳамда глобал муаммолар ечимида фаол қатнашишга имкон яратади. Ўзбекистон БМТ билан конструктив муносабатларни давом эттириш, ташкилотнинг мақсад ва принципларига содиқ қолиш орқали ўз тараққиётини таъминлаш йўлида ишончли қадамлар ташламоқда.

Обиджон ХАМИДОВ
Бухоро давлат университети ректори,
профессор.

2027 йил 1 январга қадар давлат идоралари, давлат иштирокидаги корхоналар ва ижтимоий соҳа муассасалари энергия самарадор ускуналар билан тўлиқ жиҳозланади.

